

Ўзбекистон

ЎзССР Давлат китоб давлат

ИНЕ
келажаги буюк давлат
Ўзбекистон Республика УзССР

25

03

97



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

ҲАДПК СҮЗИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНГ ГАЗЕТАСИ

8 ФЕВРАЛЬ

№ 28-29
(1545-1546)

1997
йил

Ислом КАРИМОВ: МУЛКДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ



13-бет.

Бу кунларга
етганлар бор...

«Йўл бўлсин-о...»

12-бет.

4-бет

Ўлмаган дехқоннинг
жони. Сабр-тоқатига бал-
ли. Парво қилмай, кетмо-
нини ураверади. Ўзим гу-
воҳман. Ўғилларим алла-
қачон қўлимдан ишимни
олишган бўлишса-да, ҳа-
лияни дала-боғ айланишни
қўймайман.

14-бет

ИНСОН ШАҲНИ ҲАР НЕДАН АЗИЗ

Чиндан ҳам, моддий ёхуд жисмоний талофат
кўрсангиз, тегишли жойга бориб арз қиласиз, аммо
маънавий талофат етказганларнинг дастидан кимга
дод дейсиз?




Илгари хабар қи-
линганидек, 6 фе-
враль куни Тошкентда
Ўзбекистон Респу-
бликаси Президенти ҳузу-
ридаги иқтисодий ис-
лоҳот, тадбиркорлик
ва хорижий инве-
тициялар бўйича идора-
ларро кенгашнинг
навбатдаги мажлиси
бўлиб ўтди. Уни кен-
гаш Раиси, Президент
Ислом Каримов бош-
қарди. Мажлисда
1997 йилда иқтисодий
ислоҳотларни чукур-
лаштиришнинг усту-
вор йўналишлари,
республика фонд бир-
жаси фаолиятини та-
комиллаштириш ва
фонд биржасида хо-
рижий инвесторлар
иштирокини кенгайти-
риш чора-тадбирлари
тўгрисидаги масала-
лар муҳокама қилин-
ди.

Бугун муҳокама этилади-
ган масалалар мамлакатимиз
учун муҳим аҳамиятта молиқидир, деди Ислом Ка-
римов мажлисни очиб. Иқти-
садий ислоҳотларни чукур-
лаштиришнинг жорий йил-
даги устувор йўналишларини
белгилаб, мақсадларимизни
яна бир бор аниқлаб олиб
ҳаракат қилишимиз лозим.
Бу эса ислоҳотларнинг дас-
тлабки босқичларига назар
ташлашни, хусусан, 1996 йил
якунларини танқидий нуқ-
тай назардан таҳдил этиш-
ни, йўл қўйилган хато ва
нуқсонларни бартараф қи-
лиш йўлларини излашни
тақозо этади. Зоро, ислоҳот-
лар узлуксиз давом этадиган
жараёндир. Шу маънода жо-
рий йил вазифаларини ўтган
йиллардан ажратиб олиб,
aloҳида белгилаб бўлмайди.

Кенгаш мажлисида рес-
публика Бош вазири Ў. Сул-
тонов, Бош вазир ўринбо-
сарлари -- молия вазири Б.
Ҳамидов, Давлат мулкини
бошқариш ва тадбиркорлик-
ни кўллаб-куватлаш давлат
қўмитаси раиси В. Чен,
шунингдек, мазкур қўмита
раисининг биринчи ўринбо-
сари А. Абдуқодиров маж-
лис кун тартибига қўйилган
масалалар юзасидан ахборот
бердилар.

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ




7 февраль куни Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Умур Апайдин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топшириди.

Президент Ислом Каримов элчи Умур Апайдинни янги лавозими билан табриклар экан, унинг мамлакатимиздаги элчилик фаолиятига муваффақият тилади.

-- Туркия Ўзбекистон мустақиллигини тан олган биринчи давлатдир, -- деди Президент Ислом Каримов. -- Ўшандан бўён давлатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар халқаро доирада изчил ривожланиб келмоқда. Ушбу дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш борасида сиз, элчи жанобларига куч-гайрат тилайман.


Ўзаро сұхбат чогида икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.



Шу куни Президент Ислом Каримов Португалияниң мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жозе Пашеко Луиш Гомешнинг ишонч ёрлигини қабул қилди.

-- Декабрь ойида Лиссабонда Португалия Президенти ҳамда Баш вазири билан учрашувимиз чогида ҳар икки мамлакат ўзаро ҳамкорликдан манфаатдор экани таъкидланган эди, -- деди Ўзбекистон раҳбари. -- Ишончим комилки, сизнинг янги лавозимга тайинланишингиз Ўзбекистон ва Португалия муносабатларининг янги босқичи бошланишига қўмак беради.

Элчи Жозе Гомеш Ўзбекистон Президентининг ишончи учун миннатдорлик билдириб, давлатларимиз ўртасидаги алоқалар, хусусан, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш учун бор куч ҳамда гайратини ишга солишини айтди.



Шу куни Финляндияниң мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Тайсто Вейкко Толванен ҳам Ўзбекистон Президентига ишонч ёрлигини топшириди.

-- Финляндия Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқи аъзоси бўлиш учун катта имкониятга эга мамлакатdir, -- деди Ислом Каримов, -- биз Финляндияниң ушбу сайы ҳаракатларини кўллаб-куватлаймиз ҳамда икки давлат ҳамкорлигини янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Ўзаро сұхбат чогида Ўзбекистон ва Финляндия дўстligини янада мустаҳкамлаш ва икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташки ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ олган суратлар
(ЎЗА).

МУЛКДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аҳборотларда таъкидланганайдек, 1996 йилда мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни кескин қисқартириш, молия ва пул кредит тизими, миллий валютани мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилди. Энг муҳим вазифа -- ишлаб чиқаришнинг пасайиши тұхтатилди, иқтисодий ўсиш кўзга ташланди. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,6 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 6 фоиз, истемол товарлари 8,1 фоиз, ташки савдо обороти 1,4 баравар ўси. Дон етишириш ва харид қўлиш, пулли хизматлар кўрсатиш, қурилиш ишлари, юкларни ташиш ҳажмлари аввалги йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайди.

Қатъий пул кредит сиёсати натижаси ўлароқ, пул эмиссияси анча пасайди. Бюджет танқислиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,5 фоизидан ошмади. Республика валюта биржасида 3,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги чет эл валютаси сотилди. Бу 1995 йилдагидан деярли уч баравар кўпиди.

Иқтисодиётда таркии ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган инвестиция сиёсати давом эттирилди. Бу борада 7 фоиз ўсишга эришилди, 166,5 миллиард сўм миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилди. Чет эл инвестициялари 825 миллион АҚШ долларидан ортди, бу аввалги йилгидан деярли икки бараар кўпиди. Инвестицияларнинг 66 фоизидан ортиги ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Маҳсулотларнинг 150 дан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, корхоналарни акционерлаштириш, қўмматли қоғозлар бозори ва фонд фаолиятини ривожлантириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, мулкдорлар тоғасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Миллий даромаднинг 68,9 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қарийб 98 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келди. Барча ишловчиларнинг 70 фоизи ана шу тармоқда меҳнат қилди. Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг 4,8 баравар ўсишни ташкил этди. Акцияларнинг иқтиламчи бозори айланмалари кўпайди. Улар акциялар умумий айланмасининг 30 фоизини ташкил қилди. «Тошкент» республика фонд биржаси, 12 та филиалга эга бўлган «Консаудит-информ» агентлиги ва 375 та инвестиция ташкилларидан иборат фонд бозорининг яхлит инфратузилмаси шаклланди.

Шунга қарамай айрим қорхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳволи қийинлиги қолмоқда. Оборот маблагларининг етишмаслиги сезилмоқда. Дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳажми пасаймаяти. Қишлоқ хўжалигидан ислоҳотлар секинлик билан бормоқда. Хўжалик юритиш усул ўзгармаяпти. Одамларда мулкка эгалик ҳисси секин үйғонмоқда.

Биз иқтисодиётни янги тизимга ўтказиш, бозор муносабатларини шакллантириш борасида инқилобий сакрашларсиз, яъни тадрижий йўлдан бордик, деди Ислом Каримов. Чунки айрим мамлакатлардаги каби иқтисодий ислоҳотларни муйян кун, ой ёки йилда амалга оширамиз, дебежалаштириб бўлмайди. Тажриба шуни тасдиқлади, бу ишлар кутилганидан ҳам мураккаб, ҳаёт талаби қаттиқ. Шунуктаи назардан қараганда, бозор муносабатларига ўтишнинг биз ишлаб чиқсан беш тамойили ҳаётга мос экани тўла исботланди. Биз ислоҳотларни амалга оширишда босқичма-босқич, оддийдан мураккаб қараб эволюцион йўлдан бориб тўғри қилдик.

1991 йилда олдимизга муйян вазифалар кўйиган бўлсак, кейинги йилларда ана шу вазифаларни амалга оширишнинг қонуний асосларини яратдик. Сўнгти икки йилда эса мураккаб вазифаларни ҳал эта бошладик. Бу давр мобайнода ислоҳотларнинг қонуний асослари, бозор ҳақидаги тушунчаларимиз такомиллашди. Тайбири жоиз бўлса, бу йўлда эришган энг катта ютуғимиз -- одамлар онгига рўй берган ўзгаришлар, уларнинг меҳнатга, мулкка бўлган янгича муносабатидир, деда таъкидлади Президент. Лекин ҳамон кўпчиликда, айниқса турли бўғин раҳбарларida замон руҳини ҳис этмаслик, янгиликни қабул қила билмаслик, боқимандалик кайфияти мавжуд. Биз бу сарқитлардан ҳалос бўлмас эканмиз кутилган натижаларга эриша олмаймиз.

Ислоҳотлар жараёнида 1997 йил ҳам ўз муаммолари билан иқтисодий тараққиётимиздаги ўзига хос бир босқич бўлади, албатта.

Биз ана шу жорий йилдаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилар эканмиз, аввало, нималарга аҳамият бермоғимиз лозим?

Шуни таъкидлаш керакки, ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий, энг катта мақсади, устувор йўналиши Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатdir. Бизнинг қабул қилган барча фармону қарорларимиз, қонунларимиз ҳамма ишимиш ана шу мақсадга қаратилгандир. Бу вазифаларни ҳал этмасдан кутилган натижага, ҳаётимизда, иқтисодиётимизда исталган ўзгаришларга эришиб бўлмайди.

Саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигидан ҳам, иқтисодиётнинг барча соҳаларида мулк ҳақиқий эгаси қўлига ўтиши керак. Одамлар онгига мулкка эгалик ҳиссини сингдириш лозим. Барча фонд биржалари, қўмматли қоғозлар бозорларининг фаолияти одамлар онгига эгалик ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиши даркор.

Биз аҳолининг кескин табакалашувига йўл қўймаймиз. Яъни, бизда энг бой ва ўта камбағаллар бўлмайди, балки ўртача мулкдорлар синфи қарор топади. Бу синф иқтисодиётда, борингки, мамлакат ҳаётидан мунайян тутиси, асосий таянч бўлиши керак, деди юртбошимиз.

Бу синфни шакллантириш учун бизда барча шароит, ҳуқуқий асос бор. Унга амалий ва моддий ёрдам берувчи янги тузилмалар, барпо этилган. Лекин нега бу масалада ўзгариш бўлмаяпти? Янги ижтимоий тоифа ўзини намоён этолмаяпти. Бу синфнинг ҳаётимизга таъсири сезилмаяпти. Бусиз биз ўз муродимизга этишимиз қийин-ку!

Бир қараща дехқон, фермер хўжаликлари, хусусийлашган корхоналар бошлиқлари, чиқарилган акцияларни сотиб олганлар -- яъни мулк эгалари бор. Лекин уларнинг дунёқараши ўзгараиятими, ўз манфаати учун курашяптими? Бу саволларга тўла ижбий жавоб бериш қийин. Чунки уларнинг кўпчилиги ҳалимон Президент бор, ҳукумат бор, ҳоқимликлар бор, ҳамма муаммоларимизни улар ҳал қилиб беради, деган эски кайфият билан юрибди. Кредит

(Давоми 3-бетда).

МУЛКДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНӢ

(Давоми. Боши 1,2-бетда).
олишга эришиш, янги технология, ускуналар олиб келиш борасида ҳам ана шундай «олма пиш, оғзимта туш» қабилидаги ҳолат ҳукмронлик қилмоқда. Бу билан узоққа бориб бўладими? Бизнинг 1997 йилдаги устувор вазифаларимиздан бири ана шундай кайфиятларга барҳам беришдан, мулк эгаларининг мустақам сёёққа туриб олишини таъминлашдан иборатдир. Улар ҳеч нарсадан чўчимасдан ҳаракат қилиши лозим. Охир-оқибатда давлатнинг таянчи ана шу мулкдорлар синфи бўлиши керак.

Ўзбекистонда албатта кўп укладли иқтисодиёт қарор топади. Давлат мулки ҳам, жамоат мулки ҳам, шахсий мулк ҳам бирдек ривожланиши учун барча шароит яратиб берилади. Асосий қонунимизда қайд этилганидек, давлат шахсий мулкни ҳимоя қиласди. Бу бизнинг бош ўйлумиздир.

Лекин одамлар дунёкараши шунга мосми? Айтайлик, бир завод мулки давлат тасарруфидан чиқарилиб, акциялари сотилди. Ана шу акция эгалари завод фаолиятида, уни бошқариша ўз овози билан фаол иштирок этиши лозим. Бошқача айтганда, корхонанинг тақдирини, ҳаёт-мамотини директор эмас, балки акционерлар ҳал этиши лозим. Амалда эса кўпгина жойларда акция эгалари директор бизга қачон дивиденд берар экан, дея кўл қовуштириб ўтириди. Бу аввали даврдаги ўн учинчи маошни кутишини эслатмайдими?

Демоқчиманки, акция эгаси фақат даромаддан улушкини олувчи эмас, балки ўзини ана шу корхонанинг эгасиман, деб ҳис этиши керак. Биз одамлар дунёкарашини ўзгартириш деганда ана шу жиҳатларни на зарда тутамиз.

Идораларо кенгаш таркибида мамлакатимизда фаолият-кўрсатадиган чет эл фирма ва корхоналирининг вакиллари ҳам бор. Президент йиғилгандарга, хусусан чет эллик кенгаш аъзоларига «Сизлар Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш учун 1997 йилда нималарга аҳамият бериш керак, деб ўйлайсиз», деган савол билан мурожаат қилди. Мажлисида сўзга чиккан Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки вакили И. Каваниши, техникавий ҳамкорлик бўйича Германия жамиятининг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиги К. Третнер, «ДЭУ корпорейшн» ижрочи директори, компаниянинг Марказий Осиё минтақаси бўйича президенти Чон Хи Чу, «Файз» ҳиссадорлик жамияти бош директори М. Азимова мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун кулагай шароит яратилгани, хорижий сармояларни мустаҳкам ҳимоя қилиш тизими мавжудлиги, бу эса хорижлик иш одамларини мамлака-

тимизга жалб этганини таъкидлайдилар. Инфляция даражасини қисқартириш, қимматли қоғозлар бозорини фаоллаштириш, солиқ тизимини такомиллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Корхоналар бир меъорда ишлаши учун ўз айланма маблагига эта бўлиши керак, деди Президент. Бунинг учун эса хусусийлаштириш туфайли вужудга келдиган имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим. Хусусийлаштириш корхоналарга сармоя келишининг омили бўлиши даркор. Акциялар доимо ҳаракатда бўлиши, айланни турниши, ана шунинг натижасида корхонага даромад келтириши шарт. Бунинг учун эса акцияларни жамоага, давлатга, чет эллик инвесторларга ва эркин сотувга оқилона тақсимлаш зарур. Бизнингча, бунда жамоанинг улуши 30 фойздан ошмагани мақсадга мувофиқ.

Иқтисодиётга маблаг жалб этишнинг асосий йўлларидан бири акцияларни эркин тарзда сотишdir. Бу аҳоли қўлидаги ортиқча пулларни ишлаб чиқаришига киритиш имконини беради. Шу ўринда бу иш бизда нега кўнгилдагидек ўтишга тўғри келади. Нега бизнинг юртошларимиз ҳамон ортиқча пулни ёстиқ остида сақлашни афзал кўради?

Мана, мустақиллик боис дунёга чиқдик. Чет элларни кўяпмиз. У ерларда бирор одамнинг кўлига пул тушса, уни кўпайтиришнинг йўлини қидиради. Пулини ё банкка қўяди, ёки янги иш очади, бизнес қиласди. Бизда эса кўлига пул тушган одамнинг негадир боши айланниб қолади, тўқликка шўхлик қиласди. Нега шундай? Нега у пулини банкка кўймайди? дея савол берди, Президент. Чунки унда ўшро давридан қолган кўркув бор. У пайтлар бадавлат одами кўролмаслик кайфияти ҳукмрон эди. Қолаверса, унда банкка тўла ишонч йўқ.

Бу вазиятни қандай ўнглаш мумкин? Бунинг учун аввало одамлар онгидаги ўша кайфиятларни ўзгартириш керак. Қолаверса, бу масалани давлат даражасига кўтариш, уларни ҳимоя қилиш лозим. Чунки фуқаролари бой бўлган мамлакатгина бой бўлади, деган ҳақиқат бор.

Фуқароларимиз шуни яхши билсинки, биз ҳеч кимнинг чўнтағидаги пулни ҳисоб-китоб қилмаймиз. Пул топидими, ҳалоли бўлсин. Ҳукуқ-тартибот, назорат идораларининг ходимлари ҳам ана шу ақидага амал қилишлари даркор.

Бизда ўтмишда ҳам бойлар бўлган. Улар, бизга шўро даврида уқтирганларидек, золим бўлмаган. Бой-бадавлат одамнинг бутун маҳаллага, қишлоқга нафи теккан. Шунинг учун ҳам биз бой-бадавлат

одамларга нисбатан қарашимизни ўзгартиришимиз керак. Давлат, жамоа ишини бажарип кўйгандан кейин ўз манфаати йўлида меҳнат қилисан, бола-чақасининг ризқини кўпайтирасин, бойлик ортигирасин. Биз буни фақат кўллаб-куватлаймиз, деди Ислом Каримов.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг яна бир йўли эса акцияларни хорижий инвесторларга кўпроқ сотишdir. Улар бу жараёнда корхоналарга сармоя киритиш орқали фаол иштирок этишлари мумкин. Шунга интилиш керакки, бундай акциялар саломоги ўртача 25 фойзин ташкил этисин. Бу 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш борасидаги устувор вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг натижаси тобора яқолроқ кўримоқда. Буни ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-сотик кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистон уларнинг барчаси билан ижобий салдога эта. Биз барча хорижий давлатлар билан маърифий савдони йўлга кўйганимиз. Бу барча ҳисоб-китоблар эркин алмашидиган валютада амалга оширилади, демакдир. Россия эса бизни кўпроқ бартер йўли билан ҳисоб-китоб қилишга ундумоқда. Бу бизга маъқул эмас. Мисол учун, нега ҳар жиҳатдан афзалиги аён «Кэйс» турганда самараси паст комбайнларни сотиб олиши мумкин.

Хуллас, бозор иқтисодиётига ҳар ким ўз йўлидан бораётir. Бу гап инфляцияни жиловлаш усууларига ҳам тегиши. Ўзбекистонда бир неча ойлаб маош бермай кўйиш, шу йўл билан инфляцияни сунъий равишида ушлаб туриш ҳолатлари йўқ. Аксинча, бизнинг барча ҳаркатларимиз, ўтказаётган ислоҳотларимиз халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ватанимиз равнақини таъминлашга, буюк келажагимизни бунёд этишга қаратилган. Бошқача айтганда, одамлар ислоҳотлар инсон манбаатлари учун хизмат қиласди.

Ҳар биримиз ана шу йўлда бор имкониятимизни ишга солишимиз, 1997 йилги устувор вазифаларни ҳал этишида камарбаста бўлмоғимиз лозим. Бизнинг ҳалқимиз оғир-вазмин, инсофу андишли, бунёдкор ҳалқ. Шундай экан, порлоқ келажагимизни, албатта, бунёд этамиш. Шу эзгу мақсад йўлида барчангизга омада мауваффақиятлар тилайман, деди Президент пировардида.

Ийилишда идоралараро кенгаш ва унинг комиссиялар таркиби қисман ўзгартиришлар киритилди.

Кенгаш мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида Президентининг давлат маслаҳатчilari T. Алимов, Ё. Жалолов қатнашди.

Аҳмад Хўжа,

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ХОРИЖИЙ КРЕДИТЛАР
БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ
ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рафбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 31 январдаги 1702-сон Фармонини бажариш мақсадидаги Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Лойҳаларни танлаб олиш тартиби ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун жалб қилинадиган хорижий кредит линиялари ҳисобига кичик ва ўрта корхоналарга кредитлар бериш схемаси тасдиқлансин.

2. «Ўзистикболст» Давлат қўмитасининг ўз ҳузурида, ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасидаги кичик ва ўрта тадбиркорликни маблаг билан таъминлашга кўмаклашиш маркази тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинисин ва унга:

Республиканинг турли тармоқлари ва минтақаларида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга оид таклифларни лойҳаларига бўлган таклифлар ва талабларга оид маълумотлар банкини шакллантириш, даврий ахборот бюллетенини чиқариш ва уни манбаатдор тузилмалар ўртасида тарқатиш;

тармоқлар ва минтақаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, хом ашё ресурслари ва зарур инфраструктура мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришларни оқилона жойлаштиришда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш;

ложиҳаларнинг мақсаддага мувофиқлигини баҳолаш ва Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритиш тўғрисидаги «Ўзистикболст» Давлат қўмитасига тасдиқлар тайёрлаш юклансин.

«Ўзистикболст» Давлат қўмитаси 15 кун муддатда кичик ва ўрта тадбиркорликни маблаг билан таъминлашга кўмаклашиш маркази тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

3. Давлат солиқ қўмитаси Миллий банк билан биргаликда бир ҳафта муддатда жалб қилинаётган хорижий кредитлар ҳисобига олиб келинадиган технологик ускуналар учун кичик ва ўрта корхоналарни импорт бож пошлиналари тўлашдан озод қилиш тартибини белгиласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи «Ўзинвестлойҳа» компаниясининг шўъба тузилмаларига оғизларига архатишида, малакали кадрлар билан таъминлашда ва бошқа ташкилий масалаларда амалий ёрдам кўрсатсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 январдаги 1702-сон Фармони ва мазкур қарорга мувофиқ ўзгартириш юзасидан белгиланган тартиба тасдиқлар киритсан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Б. Ҳамидов ва В. Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 7 февраль.

ПРЕЗИДЕНТ НОМИДАН СОҒФА

Ҳар қандай давлатнинг келажаги -- болалардир. Шу сабабли Ўзбекистон раҳбариятининг ижтиомий йўналишда олиб бораётган сиёсати энг аввало болаларга ғамхўрликда, уларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб вояга этиши учун зарур барча шароитларни яратиб беришида намоён бўлмоқда. Айниқса, саломатлиги заиф болаларнинг келажақда мамлакатнинг комил фуқаролари бўлиб этишишларига ёрдам бериш мақсадидаги уларни ижтиомий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тошкентдаги кўзи ожизлар интернати тарбияланувчилари билан бўлган учрашув Ўзбекистон раҳбариятининг ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлигини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номидан интернат тарбияланувчиларига совғалар улашилди. Болаларга совғаларни Президентнинг Давлат маслаҳатчisi T. Алимов, Тошкент шаҳар ҳокими K. Тўлаганов, республика вазирларлари ва идоралари раҳбарлари топширдилар. Улар болаларга саломатлик ва баҳти ҳаёт, билимларни эгаллашда муваффақият тилашди.

Интернат тарбияланувчилари ўзларининг болалиги баҳтила шодликка тўла бўлиши йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун мамлакатимиз раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирилар.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

• КУЛАСИЗМИ. КУЯСИЗМИ:

-- Мени идораларинга
виждан амри етаклаб келди,--
деди ота таҳририятимизга ўзи
ташриф буюриб. -- Аслида ҳеч
нарсага мухтожлигим йўк.
Ошинни ошаб, ёшими яшаган,
пиру бадавлат одамман.
Томоркамдан топаёттаним
ўзимдан ортиб, маҳалламгаям
етади. 6 сотих ишкомим,
остида 3 сотих чикар-чиқмас
иссиқхонам бор. Лимон
екканман. Пишай деб турибди.
Камида 2 тонна олсан керак.
Ишком эса 3 тоннага яқин
узум берди. Ана, ҳисоблайве-
ринг...

Куни кече ҳукуматимиз уйда бўлган мажлисда юртбо- шимиз айтган сўзлари юрагим- нинг тубида тўпланиб турган гапларни кўзғатиб юборди. Шуларни тукиб соглани келлим.

келдим...
Отанинг раъйини қайтармадик. Айтганларини оқقا кўчирдик.

күчирдик.
-- Ешим етмиш иккига борди. 38-йилдан бери шу хўжаликдаман. Қарийб олтмиш йил. Раҳбарнинг ҳар хил тоифасини кўрдим. Илгарилари узоқроқ ишлашарди. Айримлари тез-тез «ищдан чиқадиган» бўлиб қолишиди. Үлмаган дехқоннинг жони. Сабр-тоқатига балли. Парво қилмай, кетмонини ураверади. Үзим гувоҳман. Ўғилларим аллақачон қўлимдан ишмни олишган бўлишса-да, ҳалиям дала-бог айланисини кўймайман.

Юрбошимизнинг дехқон меҳнатини қадрламайдиган, фақат ўзини, майшатини уйладидиган раҳбарни аямай койиши, ризқ-рўзимизни яратадиган оддий дала меҳнаткашларининг шаънини улуғлашуни кўриб, тинглаб, қани энди каттаю-кичик, ҳамма раҳбар ҳам шундок бўлса, Аллоҳ қўнглига ҳалқ меҳрини солса, дея умид қиласман. Афсуски, оддий дехқоннинг юрагига кўл, сўзига қулоқ тутадиган, дардини тинглайдиган, мушкулига қайишадиган, оғирини енгил қиласидиган раҳбарларни ҳар доим ҳам топавермайсиз. Аксинча, ҳеч қандай ихтирога, янгиликка илфор тажрибага қизикмайдиган раҳбарлар кам эмас. Биз уларни лоқайд, тамбал, бокиманда дея койимиз. Йўқ, улар аслида жуда пишик, шахсий манфаатлари илинжиде қилин кирп ёрадиган, «пихи Қайирилган» киши-

лар. Факат гап шундаки, фойдали ихтиролар, янгиликлар, илфор тажрибалар улар-нинг ракиби, душмани. Бошқача айтганда, оддий дала меҳнаткашларининг тажрибаси, билими, тадбиркорлиги, дунё караши ошиби боргани сари бундай раҳбар (хўжайин)лар-

ораси 3 метр. Жами 1320 түп ток бор. Токзорнинг оиласаларга 30-50 сотихдан бўлиб берилган бошча қисмидаги манзара бошқача: бир танобада 32 қатор бор, қатор ораси ҳам, тул ораси ҳам 3 метрдан. Кўчат сони 990 та.

рўзгоримга, турмушимга шу
моллар яраяпти-ку», деб
юраверади.

Мен эса бир нарсаны тушунмай гарангман. Нима учун хўжалик узумнинг килосига атиги 60 тийиндан (10 тоннаси 6000 сўм) ҳақ тўлайли? Бу рагам кеярдан



**дайди куйиниб Тошкент туманидаги
Т. Мирзаев номли жамоа хўжалигида яшовчи кекса
сохибкор Кодир хожи ота МўМИНОВ.**

нинг ризқи қийилиб, текин
 noni яримта бўлиб боради.
 Имоним комилки, бундайлар
 хеч қачон ерни дехқонга,
 молни чорвадорга топширмай-
 дилар. Бригада, оила, ижара
 пудрати, дехқон (фермер)
 ўхжалиги каби янгича тузилма-
 ларга йўл бермайдилар,
 мабодо бир-икки «закунчиси
 фермер» бўлиб олганда ҳам кун
 кўрсатмайдилар.

курсатмайдылар.
Иймонини маҳкам тутган
кекса одам ёлғон гапирмайды.
Юқорида айтгандаримга ўзим
тирик гувохман. Хұжаликнинг
50 таноблар чамаси узумзори
бор. Шундан бир танобига
ўғлим Абдумалик билан укам
Абдуфаттох қарашади. Бу
бошқаларнинг чекидаги ток-
зорлардан Фарқ қиласы. Уни
ўзим ўйлаб топган усулда
яратғанман. Яны шу бир
танобга 40 қатар ток экилған.
Катор орасы 2,5 метр түр-

баравар кўп ҳосил беради. Бу биринчидан, кўчатнинг кўллиги иккинчидан қатор ораси 2,5 метр бўлгани боис ишлов ва озиқланши сифатли эканлиги хисобидан. Қаранг—тайёр таҳриба. Кўлла, қандингни ур. Бу ишларни қовуштирадиган раҳбар кани?

Одамларнинг кўнгли совиб
кетганича бор. Токзорлар
эскириб кетган, асосий қисми
50-йилларда экилган, аксария-
ти тўнка бўлиб ётиди. Хосил-
нинг тайинин йўқ. Шу боис
раҳбарлар «гектаридан 10
тонна узум топширганга 6000
сўм (?) хақ берамиз», деб
бўёнини ҳам маҳкамлаб кўшиш-
ган. Бу -- «топширолмаганга
шу хақ ҳам йўқ», дегани.
Тагинам соҳибкорларнинг
сабр-тоқатига балли.
«Ишқилиб, дала-боғ туфайли
молларимни боқиб, тугенини
кўлтитишиб юрибманмакни

олинган? Ёки хўжалик худди шу узумни уни етиштирғанларга киолосини 14 сўмдан сотиб олишини тақлиф этади. 14 рақами қаердан олинган? Энди мана бу учинчи рақамга эътибор беринг—хозир бозорда узумнинг киолоси 300 сўмдан ошипити. Бу нарх қаердан келди? Бу саволга жавобни юкоридаги ракамлардан излаш керакмас-мика?

Хуллас, бу устамонлар ишни шундай «ташкил» этишганки, узум пишган пайтда токзор бошида тош-тарози бўлмайди. Қайси соҳибкор қанча узум топширганини ҳеч ким билмайди. Ҳайдовчи 5-6 кишининг маҳсулотини бир қилиб, машинасига ортиб кетади. Орадан бир-икки кун ўтгач, «сеники учна, сеники бунча чиқди» деб кўя қолади.

Аллоҳ инсоф берсин, дейиш-
дан бошқа илож йўқ.

Бундай «гап»лар факат бизнинг хўжаликда бўлса кошкими: Яна бир ўглим Абдуманноб «Ҳасанбой» жамоа хўжалиги бошлиғи. 40 гектар токзори бор, 30 гектари хосилга кирган. Фермер хўжалигига 33 киши аъзо. Хосилдор борни эвига қараб бўлиб олишган. Ҳар ким ўз боғига қарайди. Бухгалтер ҳам алоҳида ҳисоб-китоб юритади. Ким қанча узум топширса, шунга яраша ҳақ олади, биронники бошқасига ўтиб кетмайди. Яъни илгариги «общакатол» йўқ. Богни кўрсангиз ҳавасингиз келади. Илгари гумай, кўйтикан босиб ётган токзорда ҳозир бир гиёҳ ҳам кўрмайсиз. Қатор оралари доимо юмшатилган ҳолда туради.

Аммо ўғлимнинг айтишига қараганда, шу кунларда хўжалик раҳбарларининг феъли бузилган кўринади. Ўғлимни фермерликдан айнитиб, бригадир бўлишга ундашаётган экан. Айтишларича, у дехқонларни «бузаётган» эмиш. Карагангача, дехқон интилиб, даромадни кўзлаб, ҳак-хукукини таниб ишласа, бузилган бўлармиш. Бошқа дехқонлар «биз ҳам Абдуман-ноб бошқараётган дехқон (фермер) хўжалиигига ўтиб ишлаймиз», деб илтимос қула бошлаганнаридан сўнг раҳбарлар «касал» нинг олдини олишимкочи бўлишашапти, шекилини.

Шуларни ўйлаб ҳайрон бўласан киши. Юртбошимиз айтганларидек, нахотки айрим раҳбарлар эски колхоз-совхозларни кўмсаётган бўлишса? Йўк, гишт қолипдан кўди. Дала меҳнаткашлари ислохотларнинг туб моҳиятини тушуна бошладилар. Бинобарин, бозор муносабатлари шароитидаги ҳақ-хуқукларини ҳам таниб қолдилар. Эркин меҳнатнинг пировард натижасини кундалик рўзгорларида, яхшиланиси бораётган турмушларида қўриб турибдилар. Демак, энди уларни оркага қайтариб бўлмайди. Бунга уринаётганлар эса кеч қолгандарини қанча тез фахмасалар шинча яхши

**Қодир ҳожи ота
айтганларини**
АЙДЛОНГЕР ўнбады

"NATIONAL ELECTRONICS, INC"

(Америка) шўъба корхонаси жамоаси Ўзбекистондаги барча мусулмон биродарларимизни улуг айём-Ийд-ал-Фитр (Рамазон ҳайити) билан самимий муборакбод этади. Барчангизга хайру-саҳоват, шоду-хуррамлик йўлдош бўлсин!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат
ва жамият қурилиши Академияси
ҳузуридаги "Академ-Финанс"
ўқув-маслаҳат маркази
жамоаси барча
ватаандошларимизни кириб
келаётган улуғ айём-
муқаддас байрамимиз ийди
Рамазон билан қутлайди ва
Мустақиллик йўлида сабит
карамлиқ тилайди!**

• БИЗНИНГ ШАРХ

Маълумки, Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятиниң асосий принциплари тўғрисида»ги Конун қабул қилинганди. Етти моддадан иборат ушбу хукуқий ҳужжат мамлакатимиз ҳаётидаги мухим ўрин тутади.

Негаки, эртанги кунимизнинг қандай кечиши, эзгу мақсадларнинг амалга ошиши бошланган ислоҳотлар натижаси

ёнма-ён жойлашган. Уларда юз берадиган воқеаларга ўз хавфзислигимиз нуқтаи назаридан биз ҳам бефарқ қарай олмаймиз.

сида собиқ Иттифоқ ҳудудидаги айрим арбобларнинг бу ҳаракатга қарши қандайдир ҳарбий-сиёсий тузилма барпо этиш тўғрисидаги хом ҳаёлларга бериладиганлигига ҳам бепарво қараб бўлмайди. Бу даявтлардан кўзда тутилган асосий мақсад, аввало, Шарқий Европа, Болтиқбўй ва минтақамиздаги мустақиллик йўлини танлаган давлатларни Европа билан олиб бораётган

САЁРАМИЗ «ГИГАНТЛАРИ»

Маълумотларга кўра ҳозир дунёда 5,5 миллиардга яқин аҳоли истиқомат қиласи. Унинг 60 фоизга якими, яни 3 миллиард 230 миллион киши -- аҳолисининг сони 100 миллион кишидан ортиқ бўлган 9 та давлат ҳудудида яшайди.

Маълумки, Хитой Ҳалқ Республикаси аҳолисининг сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Унинг аҳолиси -- 1 миллиард 200 миллион киши. Ҳиндистон союз борада иккинчи бўлиб, бу ерда 920 миллион киши яшайди. Кейнинг йилларда Ҳиндистон аҳолиси жуда тез кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вактда ундаги аҳоли сонининг ўсиши йилига ўтча 20-25 миллион кишини, яни қарий Ўзбекистон аҳолисига тенг микдорин ташкил этмоқда. Агар аҳоли кўпайишнинг ҳозирги суръатлари сақланаб турса, бу давлат ҳам 2001 йилга бориб 1 миллиард кишилик маррدادан ўтиши мумкин. Маълумотларга кўра, 2016 йилга бориб Ҳиндистон аҳолиси 1 миллиард 260 миллион кишига етади, 2040 йилга бориб эса у аҳолисининг сони бўйича Хитойдан ўзиб кетиши мумкин.

Шунингдек, дунёда аҳолисининг сонига кўра энг йирик бўлган давлатлар қаторига кўйидаги мамлакатлар киради: АҚШ -- 260 миллион, Индонезия -- 180 миллион, Бразилия -- 162 миллион, Россия Федерацияси -- 147 миллион, Япония -- 123 миллион, Покистон -- 122,8 миллион, Бангладеш -- 112 миллион киши.

Дунёда қанча миллат ва элатлар яшаша тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Этнографлар уларнинг умумий сонини 3 мингдан ортик, деб таҳмин қилишади. Аммо дунё аҳолисининг 60,7 фоизи, яни 3 миллиард 300 миллиондан ортиқ киши дунёдаги энг йирик 30 та миллат вакилларидан иборат эканлиги аниқ. Бунда ҳам хитойлар -- 1 миллиард 50 миллион киши мутлақ кўпчиликни ташкил этади.

Бундан 97 йил олдин, яни 1900 йилда дунё аҳолисининг кўпчилиги қишлоқларда яшаган. Арсимишининг иккинчи ярмида йирик шаҳарлар атрофида кичикроқ шаҳарларнинг тўпланиши натижасида агломерациялар, уларнинг ўзаро бирлашиб кетиши оқибатида эса мегалополислар ҳосил бўла бошлидай. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунга келиб дунё аҳолисининг таркибида шаҳарликлар қишлоқликларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади.


Дунёда аҳолисининг сонига кўра биринчи ўринда Япониянинг пойтахти Токио шаҳри туради. Бу ерда шаҳар атрофи билан биргаликда 26 миллион 800минг киши истиқомат қиласи. Шунингдек, Ер шаридаги энг йирик 10 та шаҳарнинг рўйхатида кейинги ўринларни кўйидагилар эгаллашади: Сан-Паулу -- 16,4 млн., Нью-Йорк -- 16,3 млн., Мехико -- 15,6 млн., Бомбей -- 15,1 млн., Шанхай -- 15,1 млн., Лос-Анжелес -- 12,4млн., Пекин -- 12,4млн., Калькутта -- 11,7 млн., Сеул -- 11,6 млн. киши.

Дунё аҳолисининг сонига кўра биринчи ўринда Япониянинг пойтахти Токио шаҳри туради. Бу ерда шаҳар атрофи билан биргаликда 26 миллион 800минг киши истиқомат қиласи. Шунингдек, Ер шаридаги энг йирик 10 та шаҳарнинг рўйхатида кейинги ўринларни кўйидагилар эгаллашади: Сан-Паулу -- 16,4 млн., Нью-Йорк -- 16,3 млн., Мехико -- 15,6 млн., Бомбей -- 15,1 млн., Шанхай -- 15,1 млн., Лос-Анжелес -- 12,4млн., Пекин -- 12,4млн., Калькутта -- 11,7 млн., Сеул -- 11,6 млн. киши.

Осиё ва Африка мамлакатларида яшовчи аҳоли ўртасида түғилишининг юқори кўрсаткичларга эга эканлиги бу ерга шаҳарлар аҳолисининг тез кўпайишига ўз таъсирини кўрсатади. Америка ва Европада аҳоли табиий кўпайишнинг паст суръатлари эса шаҳарларнинг бирмунка мўтадил ривожланишда ўз аксини топади. Буок Британиянинг пойтахти бўлган Лондон шаҳри аҳолисининг 1 миллион кишидан 8 миллионга етиши ёки саккиз баробарга кўпайиши учун 130 йил вакт керак бўлган. Африкадаги Нигерия давлатининг пойтахти Лагос шаҳрида эса 1950 йилда бор-йўғи 250 минг киши яшаган ва 2015 йилга бориб бу шаҳар аҳолиси қарий 25 миллион кишига етади. Бу -- унинг аҳолиси Лондонга нисбатан 2 марта киска вакт, яни 65 йил мобайнида 100 баробарга кўпайиши мумкинлигидан да-лолат беради.

Агар дунёдаги шаҳарлар аҳолисининг сони ҳозирги суръатларда кўпайиб бораверса, 2005 йилга бориб, Ер юзида аҳолиси 5 миллион кишидан ортиқ бўлган «гигант шаҳар» ларнинг сони 100 тадан ортади.

**КАРОМИЛДИН ГАДОЕВ,
география
фанилари
номзоди.**



Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» шарҳловчisi.

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ СОБИҚ ЭЛЧИЛАР


Тошкент шаҳридан З. Зойиров, Бойсун туманидан Б. Турсуновлар мамлакатимиздаги элчилик ваколати тугаган -- собиқ дипломатларнинг ҳозирги кундаги фаолияти хусусида маълумот беришни сўраганлар. Мана, улар:

Павел ВИПФЛИ (Швейцария) -- Швейцариянинг Югославиядаги элчиси.

Карл Хайнц КУНА (ГФР) -- Германиянинг Бонн шаҳридаги дипломатия академияси ректори.

Ҳасан АБДУЛЖАЛИЛ (Индонезия) -- Индонезия Республикасининг Венгриядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси.

Эрдўрон АЙТУН (Туркия) -- Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бош инспектори.



Франция поёб маданият ва нафис санъат мамлакати, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси, инсонпарварлик билан йўғирилган адабиёт ва шеърият юрти. У қадим-қадимдан ўзининг гўзалиги, бетакрор маданияти ва асори-атиқалари билан дунё ахлини ром этиб келмоқда. Машҳур файласуф, олиму ёзувчилар ватани Франция бугун жаҳондаги иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги тадбирларда фаол шитирок этиб келётган давлатлардан биридир.

СУРАТЛАРДА: Франция шаҳарларидан манзаралар.

Минг түккиз юз түқсон олтинчи йилнинг айни ёзи эди. Ҳамма жойда пишиклилик, далаларда галла ўраётган комбайнларнинг ҳайқириги бир зум бўлсада тинмайди. Хирмон-хирмон дон уюлаётган, халқимизнинг ризк-насибаси тўпланаётган ва бу улуғ хизматта катта-ю кичик жалб этилган палла.

Ана шундай ажойиб кунларнинг бирида Ховос тумани Ховособод ҳўжалиги худудидаги ДАН масканида гаройиб воқеа бўлиб ўтди.

Милиция сержантини Ф. Назарқулов 12 июль соат бирлардага ўз шахсий жигулисига ўтириб ДАН масканидан 300 метрлар чамаси жилган эди. Янгиер шахри томондан келаётган 3 та КамАЗ юк автомашинасига кўзи тушди. Уларни тўхтатди. Варанглатиб қўшиқ айтиб келаётган ҳайдовчиларнинг дами ичига тушди. Бирин-кетин келиб, ҳўжатларини кўрсатиши. Сержант ҳўжатларни синчилаб кўриб чиққач, дабдурустдан ҳайдовчи Гасановга юзлантида:

-- 1500 сўм берасизлар, -- деди.

-- Нега, нима учун? -- сўради Гасанов.

-- Постдан ўтказиб юборишим учун!

-- Бизда бунча пул йўқ, қолаверса нима айбимиз бор бизнинг.

-- Мен хизматдаман, айб ҳакида гапирма, бўйнингга хоҳлаганча айб юклашим мумкин. Нима, биз бу ерда чумчук кўриклаб ўтириб-мизми?

Хуллас, орадан гап қочди. Сержант у деди ҳайдовчилар бу деди -- бир қарорга келишолмади.

Шунда Гасановнинг жаҳли чиқди ва бу ҳақда сержантнинг бошликларига хабар беришни айтди.

-- Худога айтмайсанми, -- деди сержант осмонга бармоғини нуқтаб, -- мени хеч

нарса билан кўркитолмайсан. Сержант ҳайдовчиларнинг ҳўжатларини шахсий машинасига ташлаб кўди.

Ҳўжатларни қайтариб бермаслигига кўзи етган Гасанов Янгиер ДАН маскани томонга машинасини буриб, ҳайдаб кетади. Назарқулов буни кутмаган эди. Табиийки, унинг жаҳли чиқди. Қараса, вазият жўлдийлашмоқда, товламачилиги ошкор бў-

Бу вақтда Назарқулов ўз сменадоши А. Абдусаматовни ҳам чакирган, уларнинг ёнида бошқалар ҳам бор эди. Бу ерда Фахриддинбой тактика ишлатди -- милиция капитанни Абдусаматовдан қайсар ҳайдовчилар шулар эканлиги, яхшилаб пўстагини қоқиб кўйиш лозимлигини айтди.

Капитан билан Собир Га-

ди, шекилли, майор ўз машинаси томон юрди. «Буларнинг ҳўжатларини яхшилаб текширинглар» деди ўзи жўнаб кетди.

Собир Гасанов рулда эди, у машинасини ҳайдаш холатидан чиқди. Шериги рулга ўтириб йўлга тушди. Маглублар кетиши, музaffer томон постда қолди.

Собир йўлда қайт қилди, уйга зўрга етиб олди. Оғриқча чида бўлмади ва Янгиер шаҳар касалхонасига ётди.

ДАН ходимларининг музafferлиги узокка чўзилмади. Тергов бошланди. Аризалар, тушунтириш хатлари, баённомалар ёзилди. Майор Д. Дўстмуҳаммедов дастлаб ҳаммасини тан олди, аммо кейинчалик ўз кўрсатмаларини ўзгартирди, гёй капитан ва ҳайдовчини муросага келтириш учун орага киргандан қўлининг орқаси Гасанов лабига, оёғи эса қорнига тегиб кетган бўлиши мумкин эмиш. Майорнинг ҳаммасблари ҳам ўша вақтда тескари қараб турганлигини, ҳеч нарса кўрмаганини баён этиши.

Энг қизиги шундаки, суд даврида Гасановнинг ўзи ҳам дастлабки кўрсатмаларидан тонди. Яни, сержант ундан 1500 сўм пул сўрамаганини, жаримага тортаман деганини, 1500 сўм жарима миқдори бўлиш кераклигини, шунингдек, майор Д. Дўстмуҳаммедов уни атаялаб урмаганини, орага тушганда кўли лабига тегиб кетганлигини айтди.

Ҳақиқатчи Гасановнинг кўнглига қаҷон шайтон оралади? У шайтоннинг оти нима ва қайси рангда эди? Қўркувми, пўписами ёки раҳмдилликми? Балки у пул шаклидаги шайтонdir? Афсуски, бу унинг ёлғиз ўзигагина аён эмас.


Суд ҳақ йўлни танлади. Гувоҳларнинг барча кўрсатмалари асосида одил хукм чиқарди.

Фахриддин Назарқулов 1996 йил ёзидағи қилмиши учун 3 йил озодликдан, 5 йил муайян ҳукуқдан маҳрум қилинди. Донобой . Дўстмуҳаммедов эса олти йилга кесилди, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди.

Хуллас, қонун сирдарёлик бу зўравонларга зўрлик қилди, кўр кўзларни очди, том битган кулоқларни қоматга келтирди. Маънавий чириған қалблар худди олма сингари тўкилиб кетиши.

Т. УМАРОВ,
Ховос тумани прокурори,
аддия кичик маслаҳатчиси.
Э. БОЛИЕВ,
«Ҳалқ сўзи» мухбири.

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

ТАЛАБАГА ҲАМ,
ТАДБИРКОРГА
ҲАМ...

Мамлакатимизда бозор муносабатларни шакллантириш, энг аввало, унинг ҳуқуқий негизларини яратишни талаб этади. Бундай ҳуқуқий негиз ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амала ошириладиган ҳуқуқий ислоҳотнинг ҳам таркибий қисмидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томондан қабул қилинган ва 1997 йил 1 марта амалга киритиладиган Фуқаролик кодекси -- мулкий муносабатларнинг ўзига хос қомуси юқоридаги вазифаларни бажаришда foят мухим босқич бўлиб ҳисобланади. Янги Фуқаролик кодекси фуқаролар ва юридик шахслар кундаклик муносабатларда доимий равишда киришадиган мулкий, шартномавий муносабатларни тартибга солишига каратилган.

Бинобарин, унинг мазмунидан барчамиз хабардор бўлишимиз лозим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, профессор И. Б. Зокиров бу борада foят хайрли ишга юл урди. Муҳтарам олим қаламига мансуб «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи» дарслигининг 1 қисми «Адолат» нашриёти томонидан оммавий нусхаларда нашар этилди. Ушбу дарслик Конституцияси, Фуқаролик кодекси, мулкчилик, тадбиркорлик, корхоналар ва бошқа амалдаги қонунлар асосида, суд амалиёти материалларидан кент фойдаланилган ҳолда ёзилган. Унда фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъекти сифатидаги мақоми, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши асослари ва мазмуни, мулк шакллари, мулк ҳуқуқининг химоя қилиш усуллари, мажбуриятлар, уларнинг ижроси, таъминлаш (гаров, кафолат, закалат ва ҳ. к.) мажбуриятларни бузганлик учун жағобгарлик, шартномалар тушунчаси, турлари, шартномалар тузиш ва ўзгариши тартиби каби масалалар атрофлича ёритилган.

Дарслик тушунарли, содда ва равон тида ёзилгани ва унда ёритилган масалалар барча кишилар учун бевосита амалий аҳамиятга эга бўлгани сабабли нафақат талабалар, балки тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик томонидан қизиқиб мутолаа қилинишига шубҳа йўқ.

Ушбу дарслик давлатимиз мустақилигига эришгандан бўён юриспруденциянинг асосий соҳаларидан бири бўйича ўзига хос дебоча кўлланмайдир. Биз қатъий ишонамизки, муаллиф -- муҳтарам устоз бу борадаги изланишларни давом этириди ва кенг ўқувчилар оммасига янгидан-янги дарсликлар ва ўкув кўлланмалари тақдим этади.

Ж. ТОШҚУЛОВ,
Тошкент Даълат юридик институти прокурори,
юридик фанлари доктори.
О. ЭРНАЗАРОВ,
юридик фанлари номзоди,
допент.

Бојж

ҲАМ ДАРОМАДЛИ

ЭКАН




Сирдарё вилояти божхоналари ўтган йилги хизмат учун 15,5 миллион сўм даромад олиши. Бунга четга ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотлар ва таъқиқланган молларни чегарадан олиб ўтувчилардан ундирилган жарима ва бошқа тўловларни ҳам қўшсак, тушган пул миқдори янада кўпаяди.

Вилоятдаги божхоналарда ўтган йили 375 қоидабузар тўхтатилиб қолинди. 26 та иш ҳуқуқ-тартибот органларига текшириб чора кўриш учун юборилди. Шундан 24 таси бўйича жинонӣ иш очилган.

Божхоналарга тушган даромад бюджетга салмоқли ёрдам бўлди. Шунинг бир қисми божхоначиларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилашга сарфланмоқда.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Ҳалқ сўзи» мухбири.



КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ўзбекистон почтаси" концерни корхоналари почта алоқасининг барча турлари бўйича бутунжаҳон почта имтифоқи нормаларига мувофиқ равишда хизмат кўрсатади.

Ички ва халқаро почта жўнатмалари қабул қилинади, қайта ишланади, ташилади ва етказиб берилади. Барча почта бўлимлари ва алоқа боғламалари ҳамда Тошкент шаҳридаги почтамтда кенг миқёсда асосий ва қўшимча почта алоқаси хизматлари кўрсатиш тақлиф этилади.

Ўзбекистон EMS экспресс-почтаси - почта жўнатмаларини **ХОҲЛАГАН МАМЛАКАТИНГИЗГА** тезкорлик билан жўнатиш ва тезда етказиб бериш хизмати фаолият кўрсатмоқда.

Факс-хизмати, нусха кўчириши ва реклама материаларини етказиб бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Почта жўнатмаларининг бут сакланишига, почта алоқаси корхоналарининг масбуллигига кафолат беради.

Почта алоқаси корхоналари тармоги телеграммалар қабул қиласди, жўнатади ва етказиб беради. Шаҳарлараро телефон сўзлашувларига тақлиф этади, аҳолига газ ва электр энергияси, телекоммуникацион хизматлар учун нули тўлашларига имконият яратади, савдо тушумлари, ДАН жарималари, маҳаллий сомиқлар, сувурта ҳамда бошқа бир қатор тўлов хизматларини кўрсатади.

Корхоналарнинг кенг тармоги, мувофиқлашган иши режими, шароит ва қулаильик, тезкор телефон-телеграф алоқаси, операция ва кўрсатмаларнинг соз механизми, малакали кадрлар, жўнатиш ва етказиб беришнинг аниқ ташкил қилингандиги, сифат ва маданият - буларнинг барчаси бизнинг корхоналарда жаҳон тарифларидан анча арzon нарҳарда Сиз учун кафолатланган.

Почта алоқаси хизмати бозор тарабларини ўрганиши, унинг ҳажми ва турларини кенгайтириши мақсадиди, маркетинг тадқиқотларни олиб бориб, почта хизматидан фойдаланувчи барчангизга ишларимиз ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингизни, почта хизматининг янги турлари ва соҳани ривожлантириши, сифатини ошириши, мижозлар сўровларига хизмат асл ҳолати мувофиқлигининг янада яқинлашуби, бор имкониятлардан самаралироқ фойдаланиши бўйича тақлифлар киритишингизни сўраймиз.

Сиз билан почта хизмати даражасини кўтарамиз! Хатларингизни кутамиз! Ҳар бир тақлиф учун Сизга олдиндан миннатдорчилек билдирамиз. Тақлифларингизни синчивлик билан ўрганиб чиқамиз ҳамда улар юзасидан амалий чоралар кўришга ҳаракат қиласиди.

Республикамиз почта ходимлари 1997 йилни корхонамиз хизматидан фойдаланаётган барча мижозлар манфаатига багишлайдилар ва мубаффақиятга ишонадилар.

Манзилимиз:

700000, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 1-уи, "Ўзбекистон почтаси" концерни.

Телефонлар: 33-62-34, 36-01-89.

Шунингдек, вилоят марказларида - давлат почта алоқаси корхоналари; Тошкент шаҳрида - "Тошкент почтаси" / Тошпochtamт / корхонаси.

ПОЧТА АЛОҚАЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

"Ўзбекистон почтаси" концерни.




Ўзбекистон Республикаси молхомашё биржаси жамоаси

**ўз муассислафи ва акциядорлашини,
шунигдек, бутун Ўзбекистон халқини
муқаддас айём -**

**Рамазон ҳайити билан самимий
муборакбод этишдан ўз мамнунлигини
изҳор қиласи.**

Барчангизнинг хонадонингизга
тинч-тотувлик, касби-корингизга хайру
барака тилаб қоламиз.



Эй сарбон, охиста юр, оромижоним борадур...
Торнинг охиста-охиста нолалари оралаб, ҳофизнинг маҳзун байтлари ҳам юракка охиста-охиста тўкила боради. Биркувонч, бир кадар, бир дилхушлиги бир дилхунлик оқиб киради қон томирларимизга. Карвон чайкала-чайкала узоқ манзил сари кетиб борадир. Йўл узун, инсонлар тақдиди унданда уз-у-ун.

